2 **ЭЗГУ СЎЗНИНГ МУКОФОТИ**




6 **ИБРАТЛИ ТИМСОЛЛАР**

*баркамол авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этади*



13 **Маҳмуд НОМОЗОВ:**

*«Жамият — барчамизнинг ҳам тарбиячимиз, ҳам таянчимиздир».*




КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Нашр индекси - 131

# ЖАМИЯТ

2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган

Газетанинг чакана савдода белгиланган нархи — 190 сўм

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА www.jamiyatgzt.uz 2007 йил 4 май № 18 (31)


## ИНСОН ХОТИРА БИЛАН ТИРИК, ҚАДР БИЛАН БАРҲАЁТДИР



*Саноқли кунлардан сўнг 9 май умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш куни мамлакатимизда кенг нишонланади. Хотира ва қадрлаш — инсон ақл-заковатининг бетакрор неъматлари, тирикликнинг азалий мезонларидир. Зеро, қалби саховатга, меҳр-муҳаббатга, шафқат-шафоатга тўла инсонларгина ўз тарихини, аждодларини доимо хотирлайди ва фидойи юртдошлари, ёруғ келажак йўлида меҳнат қилаётган кишиларнинг қадрига етади. Энг муҳими, ёшларимиз онгу шуурида ўтганларни хотирлаш, тирикларни қадрлашдек инсоний фазилатлар тобора мустаҳкам муҳрланмоқда. Кечаги кун сабоқларини, халқимиз келажаги учун жонини фидо қилган инсонларни хотирлаш бугунги ва эртанги кунимизни қадрлашга ўргатади.*

4-5 саҳифада

## ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 27 апрель куни Оқсаройда Японияning иқтисодиёт, савдо-саноат вазири Акира Амарини қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони 28 апрелда расмий эълон қилинди. Ушбу ҳужжатга биноан уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида уларга 50000 (эллик минг) сўм миқдорида 1 марталик пул мукофоти белгиланди.

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 30 апрель куни Оқсаройда Хитой Халқ Республикасининг Тараққиёт ва ислоҳот ишлари бўйича давлат қўмитаси раиси Ма Кайни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик истиқболига доир масалалар муҳокама қилинди.***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1 май куни Оқсаройда General Motors-DAEWOO Auto and Technology (GMDAT) компанияси президенти Майкл Гримальдини қабул қилди. Майкл Гримальди GMDAT компанияси ўзбекистонлик шериклари билан ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришдан манфаатдор эканлигини таъкидлади. Учрашувда «ЎзДЭУавто» акциядорлик жамияти билан GMDAT ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш, биргаликда янги лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятлари юзасидан музокара олиб борилди.

***«Ҳомийлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 3 майда расмий эълон қилинди ва шу кундан эътиборан кучга кирди.***

Интернет тармоғида газетамизнинг веб-сайти очилди: www.jamiyatgzt.uz

***Жаҳонда турли геосиёсий манфаатларнинг ўзаро тўқнашуви, глобаллашув, мафкуравий курашлар, ахборот хуружлари давом этаётган бугунги кунда юз бераётган воқеаларни тезкорлик, аниқлик ва холислик билан етказиш оммавий ахборот воситалари ходимларидан катта масъулият талаб қилади.***

# ЭЗГУ СЎЗНИНГ МУКОФОТИ

Бунёд АБДУЛЛАЕВ,
«Жамият» мухбири

1991 йили 3 майда Намибиянинг Виндхук шаҳрида матбуот эркинлигига бағишлаб ўтказилган халқаро анжуманда Африка давлатлари газета-журнал муҳаррирлари дунё ҳукуматларини оммавий ахборот воситалари эркинлигини таъминлашга, журналистларнинг ҳақиқатни юзага чиқариш йўлидаги чиқишларига тоқатли бўлишга даъват этишди. Анжуман ниҳоясида матбуот эркинлиги тўғрисида Декларация имзоланди. Орадан икки йил ўтгач, 3 май Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан Бутунжаҳон матбуот эркинлиги куни, деб эълон қилинди. Мана, 14 йилдирки, 3 май куни, дунёнинг кўпгина давлатларида журналистларни рағбатлантириш учун турли хил танловлар ўтказилади.

Мамлакатимизда ҳам бу сана Бутунжаҳон матбуот эркинлиги куни сифатида кенг нишонланади. Икки йилдан буён эса Ўзбекистон Журналистлари Ижодий уюшмаси ва Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва жамиятни янгилаш шароитида оммавий ахборот воситаларининг ролини янада фаоллаштириш учун «Олтин қалам» Миллий мукофотини таъсис этиб келмоқда.

Ушбу танловни ўтказишдан мақсад миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, оммавий ахборот воситалари ходимларининг фуқаролик позициясини янада кучайтириш, журналистларнинг танқидий, таҳлилий фикрлашга жалб этиш ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантиришдан иборат.

Ўтган йили танлов илк бор ўтказилди ва унда республикамизнинг турли ҳудудларидан 136 нафар журналист 1669 та ижодий иш билан иштирок этди. Унда уч асосий номинация — матбуот, телевидение ва радио йўналишлари бўйича энг иқтидорли ва фаол журналистлар аниқланди. Шунингдек, журналистларга рағбатлантирувчи номинациялар бўйича ҳам мукофотлар топширилди. «Олтин қалам» Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолиблари ва лауреатлари номи айни Жаҳон матбуоти эркинлиги кунида эълон қилиниши ҳам бу санага бўлган катта эътибордан далолатдир.








**ХУШХАБАР**

***“Олтин қалам” Миллий мукофотининг “Йилнинг энг яхши дебюти учун” номинациясида “Жамият” ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти ғолиб деб топилди.***

Бу йил «Олтин қалам» Миллий мукофоти учун халқаро танлов кўлами янада кенгайтирилди. Аввалги танлов учта — матбуот, радио, телевидение йўналиши бўйича ўтказилган бўлса, бу йил улар қаторига интернет журналистикаси ҳам қўшилди. Энг асосийси, жорий йилдан бошлаб энг яхши журналистик асар учун бош мукофот таъсис этилди. Бу номинацияда ғолиб бўлган журналист махсус диплом, кўкрак нишони ҳамда энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

Шу ўринда айтиш жоизки, бу йил танлов иштирокчилари сони ўтган йилдагига нисбатан қарийб уч баробар кўпайган. Яъни, 376 нафар журналист 5000 га яқин асари билан танловда қатнашди. Иштирокчиларнинг ярмига яқини мамлакатимиз вилоятларида фаолият олиб бораётган журналистлардан иборат.

Кеча «Туркистон» саройида бўлиб ўтган тантанали маросимда «Олтин қалам» Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолиблари ва совриндорлари номлари эълон қилиниб, мукофотлар ўз эгаларига топширилди. Энг яхши журналистик асар учун бош миллий мукофоти номинациясига «Қашқадарё» газетаси лойиқ деб топилди. Шунингдек, танловнинг асосий тўрт йўналишлари бўйича совриндорлар ҳам махсус диплом, кўкрак нишони ҳамда пул мукофотлари билан тақдирландилар. Айнипайтда мухлисларимиз учун қувончли хабар: «Олтин қалам» Миллий мукофотининг «Йилнинг энг яхши дебюти учун» номинациясида «Жамият» ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти ғолиб деб топилди.

Тантанали маросим давомида мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан ташриф буюрган 900 нафардан ортиқ журналистларга элимизнинг таниқли санъат усталари томонидан концерт дастури намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Абдулла Орипов иштирок этди.

# ЖУРНАЛИСТНИНГ ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИ

Зуфар ГАЗИЕВ

***Бутунжаҳон матбуот эркинлиги кунида, табиийки, дунёнинг барча оммавий ахборот воситалари ходимлари ўтган вақт давомида ўзлари амалга оширган ишларни сарҳисоб қилади. Фаолияти мобайнида эришилган ютуқ ва йўл қўйган камчиликларини таҳлил этиб, келгуси ишларига режалар тузишади. Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси мазкур санага бағишлаб ўтказган «Журналистнинг фуқаролик позицияси— жамиятни демократлаштириш жараёнининг фаол таркиби» мавзуидаги конференцияда ҳам ана шундай эзгу ишлар кўлами таҳлил қилиниб, холис баҳо берилди.***

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, шунингдек, ҳудудий нодавлат телестанциялар раҳбарлари ҳамда журналистлар иштирок этишди.

Давра суҳбатида сўзга чиққанлар кейинги йилларда мамлакатимизда фуқаролик жамияти қурилиши жараёнидаги ўзгаришларда оммавий ахборот воситаларининг ўрни, «ҳуқуқ – ахлоқ – масъулият» уйғунлигини таъминлашдаги воситачилик хусусида сўз юритдилар. Анжуманда бугун мамлакатимиздаги 150 дан ортиқ турли вазирлик ва бошқармаларда матбуот хизматлари ташкил этилгани ва улар жамиятда транспорентликни таъминлашда бош омил бўлиб хизмат қилаётгани ҳақида фикрлар билдирилди.




Тадбир сўнггида нодавлат телестанциялар телетармоғи учун тегишли лойиҳа тақдимоти ва «Ижтимоий ҳимоя йили» муносабати билан эълон қилинган танлов ғолибларини тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди.

*Фуқаролар онгида демократик қадриятларни қарор топтиришда ва мамлакатда рўй бераётган демократик ўзгаришлар кўламини кенгайтиришда нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни беқиёсдир.*

# ИЖТИМОИЙ ҲАМКОРЛИК

**маҳаллий давлат органлари билан нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида намоён бўлади**



Барно МЕЛИҚУЛОВА

ЯҚИНДА Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролари ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Навоий вилоятида ижро этилишининг назорат-таҳлили натижаси муҳокама қилинди. Тадбирда Қўмита аъзолари, Қўмита ҳузуридаги жамоатчи эксперт комиссияси аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлари, Навоий вилояти ҳокимлигидан вакиллар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларининг ходимлари иштирок этдилар.

Навоий вилояти адлия бошқармаси томонидан бугунги кунда жами 169 та нодавлат нотижорат ташкилотлари рўйхатга олинган бўлиб, шундан 56 таси давлат рўйхатига, 113 таси ҳисоб рўйхатига олинган.

Вилоятдаги нодавлат нотижорат ташкилотлари давлат органлари, корхона, ташкилот ва муассасалар билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу ҳамкорлик, асосан ижтимоий кўмак, таълим, маданият ва спорт ишларини ривожлантириш соҳаларида ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Жумладан, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларининг ҳамкорлиги ва қўллаб-қувватлаши натижасида Навоий шаҳар Ногиронлар жамияти, «Умр», «Ариадна», «Ҳумо» каби нодавлат нотижорат ташкилотлари ногирон болаларнинг ижтимоий ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг жамиятда ҳамма қатори яшаш ва ижод қилиши учун шароитлар яратиш борасида муайян ижобий ишларни амалга ошириб келмоқдалар.

Шу билан бирга «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижро этилишини таъминлашда вилоятда айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилган. Жумладан, вилоят ҳокимлиги томонидан нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ривожлантиришга қаратилган аниқ чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилмаган. Нодавлат нотижорат ташкилотлари шаҳар ва туман ҳокимликларига ижтимоий соҳалардаги муаммоларни бартараф этиш борасида ташаббуслар билан чиққани ҳолда бу мурожаатлар эътибордан четда қолдирилган. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг сессияларида нодавлат-нотижорат ташкилотлари билан маҳаллий давлат органларининг ижтимоий ҳамкорлигини кучайтиришга қаратилган масалалар деярли кўриб чиқилмаган.

Йиғилиш якунида Қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди ва кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш, маҳаллий давлат органлари билан нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий ҳамкорликни кучайтириш, адлия ва солиқ идоралари томонидан амалдаги қонунлар нормаларини тарғиб қилиш ишларини кучайтириш юзасидан тавсиялар берилди.

# МАҲАЛЛАДА ЕТАКЧИ АЁЛЛАР

**жамиятни демократлаштиришда муҳим роль ўйнайди**

*Мамлакатимизда фуқаролик жамияти шаклланишида маҳаллалар ўзини ўзи бошқариш органи сифатида муҳим ўрин тутади. Айнан, маҳаллалар анъанавий одоб-ахлоқ меъёрлари, миллий қадриятларни қарор топтириш ва мустаҳкамлаш масканидир.*

Азлар ЯКУБОВ

БУ борада қўлга киритилган ютуқлар самараси маҳаллалардаги фаол аёлларнинг ташкилотчилиги, саъй-ҳаракатлари билан боғлиқ, албатта.

Яқинда пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» меҳмонхонасида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Меҳр» хотин-қизлар нодавлат ва нотижорат ташкилотлари бирлашмаси, «Маҳалла» жамғармаси, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш фонди ҳамкорлигида «Жамиятнинг демократик ривожланишида маҳалла етакчи аёлларининг ролини ошириш истиқболлари» мавзусида маҳалла фаоллари ва хотин-қизлар жамоат ташкилотлари вакилларининг семинари бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ва жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди.

Тадбир дастури доирасида ижтимоий-сиёсий ҳаётда маҳалла аёлларининг фаоллигини ошириш, маҳаллаларда хотин-қизлар тадбиркорлик салоҳиятини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

# МАТБУОТ ВА ЁШЛАР

*Яқинда фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Жиззах вилояти филиалида «Ёшларнинг ижтимоий сиёсий фаоллигини оширишда электрон оммавий ахборот воситаларининг ўрни» мавзуида семинар бўлиб ўтди. Унда сиёсий партиялар, жамоат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этди.*

Норкул МАМИРОВ,
«Жамият» мухбири

ТАДБИРДА ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда электрон оммавий ахборот воситаларининг ўрни, бугунги кунда қадриятларимизни анъаналаримизни янада мустаҳкамлайдиган кўрсатувлар сони ва сифатини ошириш борасида фикр алмашилди. Шунингдек, ёшлар ҳаётини кенг акс эттирувчи таҳлилий руҳда мақолалар бериб борилиши ва матбуотда ёшлар иштирокини кучайтириш бўйича таклифлар билдирилди. Айни пайтда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда нодавлат оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти ва роли муҳимлиги таъкидланди.

# МЕҲР-МУРУВВАТ – БОҚИЙ ҚАДРИЯТ

*Ҳафта бошида Республика «Меҳр нури» жамғармаси, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Тошкент шаҳар «Аёллар кенгаши» жамоат бирлашмаси ҳамкорлигида пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек номли истироҳат боғида «Меҳр-мурувватли бўлайлик» шиори остида катта хайрия тадбири бўлиб ўтди. Тадбирда қариялар, ногиронлар, кам таъминланган ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари қатнашдилар.*

Абдужаффар ДОНИЁРОВ

ЁШЛАР онгига меҳр-мурувват тушунчаларини сингдириш, оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, кексаларга, ёрдамга муҳтож оилаларга ижтимоий ҳимояни кучайтириш мақсадида ташкил этилган тадбирда турли мавзуларда суҳбатлар уюштирилди, ёшлар турли саҳна кўринишларини намойиш қилдилар, хушовоз хонандалар эса ўз қўшиқлари билан йиғилганларни хушнуд этдилар. Тадбир давомида болалар турли аттракционларда учишиб, мириқиб дам олишди.

# «ЁШ ФАОЛЛАР МАКТАБИ»

*Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Қўқон филиали ҳамда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал – демократик партияси Қўқон шаҳар кенгаши ташаббуси билан Қўқон маиший хизмат касб-ҳунар коллежида «Ёшларда фаоллик сифатларини шакллантириш ва ривожлантириш» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.*

Рамазон МУҲАМЕДОВ

ТАДБИРДА Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Қўқон шаҳар филиали ходимлари, «Камолот» «Ёшлар ижтимоий харакати Қўқон шаҳар кенгаши, нодавлат нотижорат ташкилотлари, сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Ёшларда ижтимоий фаолликни шакллантириш, «Фаол ёшлар мактаби» тузилмасини ташкил этиш ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш мақсадида ўтказилган давра суҳбати ёшлар турмуш тарзидаги муаммолар ва уларнинг ечимлари хусусида фикр алмашилди. Тадбир якунида ёш фаоллар мактабини тузиш ва унинг ўқув услубий ҳужжатларини яратиш бўйича ташаббускор гуруҳ тузилди.

ЖАМИЯТ
СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ
2007 йил 4 май № 18 (31)

# ХОТИРА – АБАДИЙ, ҚАДР – БОҚИЙ!

***Ўтган йили баҳорда пойтахтимизда меҳмон бўлиб турган бир полшалик бизнесмен билан танишган эдим.***

**Илҳом КАРОМОВ,**
**«Жамият» мухбири**

ДУНЁВИЙ байрамлар, маросимлар ҳақида сўз кетар экан, гап орасида у шундай деб қолди:

— Кўп мамлакатларда бўлганман. Борган жойимда одатимга кўра, ўша ерли халқларнинг миллий қадриятлари билан қизиқаман. Мени, айниқса юртингиздаги байрамларнинг кўплиги, улуғворлиги ҳайратимни оширди. Сизларда 9 май Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонланар экан, буни эшитиб қойил қолдим. Чунки дунёнинг бошқа бирорта давлатида шу сингари ё шунга ўхшаш нишонланадиган кун борлигини билмайман. Ваҳоланки, байрамлар ва маросимлар хусусидаги қизиқишларим боис, жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида ўтказиладиган тантанали кунлардан бохабарман. Хотира ва қадрлаш дунёдаги барча миллатларга хос. Аммо, бу куннинг аҳамиятини кимнинг тафаккури теран, нуктадон бўлса, ҳис қилади, англай олади...

Дарҳақиқат, хотира ва қадрлаш... Ушбу тушунчалар юртдошларимиз онгу шуурида ўзига хос, ўзига мос маъно-моҳият касб этаётир. Ҳақиқий, соф инсоний туйғуларнинг намойишидир бу. Ҳар йили шу муносабат билан мамлакат раҳбари тегишли ҳужжатга имзо чекади. Жумладан, куни кеча эълон қилинган — Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармонининг ҳам ўзига хос қиймати бор.

— Ушбу Фармон хотира ва қадрлаш куни, шунингдек, Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 62 йиллиги муносабати билан ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадларини кўзда тутади, — дейди «Нуроний» жамғармаси Марказий кенгаши раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Эркин Боқибоев. — Шунга кўра, мамлакатимиз пойтахтида, вилоятларда, туманларда Ватанимиз озодлиги ва шаъну шарафи ҳимоячиларига бағишланган учрашувлар, маърифий-бадиий кечалар ўтказилаяпти. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда уруш ва меҳнат фахрийларининг уйларига бориб ҳолидан хабар олинаяпти.



### У КУНЛАРНИ УНУТИБ БЎЛМАС

ИККИНЧИ жаҳон уруши даврида мамлакатимизда 6,5 миллион аҳоли истиқомат қилган. Шундан 1,5 миллиони урушда иштирок этган. 400 минг ватандошимиз мазкур урушда ҳалок бўлган ёки бедарак йўқолган. Бугун ҳам фронт алангасидан омон қайтиб истиқлол кунларига етиб, шукроналар айтиб юрганлар бор... Ўзбекистонлик жангчилар фашизмга қарши курашда мардлик ва матонат кўрсатдилар.

— Шундай жангу жадалларда мен ҳам иштирок этган эдим, — дейди уруш ва меҳнат фахрийси, 85 ёшли Икром ота Жалилов. — Қаттол урушда не-не азамат ўғлонлардан айрилдик. Улар менинг дўстларим эди! Ўзим эса ярадор бўлдим. Ўша урушларнинг қонли сурони ҳали ҳам тушларимга киради...

Иккинчи жаҳон урушида, шу жумладан, фидойи аёллар, қизлар ҳам иштирок этганлар. Рязань областидан фронтга кетган, урушдан кейин Тошкентда яшаб қолган Ледия Довбишь урушнинг оловли ҳалқаларини кўрганда, 20 ёшга ҳам кирмаган эди.

— Мен алоқа ротасида хизмат қилдим. Баъзида кўзимга ҳеч нима кўринмай, душманга тик боққан пайтларим бўлган. Баъзида эса қўрққанман, рости. Нима қилдим ёлғон гапириб.

— Тошкентга қандай келиб қолгансиз?

— Мен ва бўлажак турмуш ўртоғим бир ротада хизмат қилганмиз. У алоқачи, мен эса телефонист эдим. Хуллас, 1950 йилда биз Тошкентга, Туркистон ҳарбий округига келдик.

— Шу ерда оила қурдим, фарзандларим шу ерда туғилди. Мен ҳеч қачон Ўзбекистондан бошқа жойга кетишни ўйламаганман. Бу менинг Ватаним!

### МЕҲР КЎРСА КЕКСАЛАР, ҲАТТО ТОҒЛАР ЮКСАЛАР

МОДОМИКИ, хотира ва қадрлаш хусусида гап борар экан, миллий озодлик учун жонини фидо қилган аждодларимиз, қолаверса, жамики ўтганлар ёдга олиниши табиий. Шу маънода, ҳар куни пойтахтимиздаги Мустақиллик майдонида қад ростлаган «Мустақиллик ва эзгулик» монументи пойига гулчамбарлар қўйилади. Шунингдек, беморлар ҳолидан хабар олиш, ўз вақтида Ватанга хизмати, меҳнати сингган инсонларни муносиб қадрлаш азалий удумимиз. Бинобарин, бу борадаги саъй-ҳаракатларда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган жамоат бирлашмаларининг ҳам ҳиссаси катта. Жумладан, «Нуроний» жамғармасининг ҳам.

— Бугунги кунда республикамизда 18 мингдан ортиқ Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари, 227 минг нафар меҳнат фронти иштирокчилари, 17 мингга яқин ҳалок бўлган жангчи оилалари, 2600 дан зиёд 100 ва ундан юқори ёшдаги нуроний отахон ва онахонлар истиқомат қилишмоқда, — дейди Эркин Боқибоев фикрини давом эттирар экан. — Ўтган йили Жамғарма Марказий кенгаши ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан ана шундай табаррук инсонларга зарур моддий, маънавий, тиббий ёрдамлар кўрсатилди. 124 минг нафардан ортиқ нуронийлар сиҳатгоҳлар ва шифохоналарда ўз саломатликларини мустаҳкамладилар. Дарвоқе, «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурида кўзда тутилган 7 йўналишдаги 90 та тадбирнинг ижроси учун ҳам масъулмиз. Унда белгиланган тадбирларнинг барчаси аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари турмуш шароитларини, «Саховат», «Мурувват», «Меҳрибонлик» уйларининг шароитларини янада яхшилашга, такомиллаштиришга қаратилган. Шу каби мақсадларга 390 миллиард сўм маблағ сарфлаш кўзда тутилган. Бу эса аҳолининг кам таъминланган қатламларига кўрсатилаётган ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир. Бундан барчамиз тегишли ибрат олмоғимиз лозим.

Оқсоқол ҳақ гапларни айтди. Жаҳон аҳли кўриб, огоҳ бўлиб турибди. Ўтганлар хотирасини унутмаслик, ҳар қандай шароитда ҳам инсон қадрини улуғлаш, нуронийларнинг ҳурматини жойига қўйиш, ҳамиша уларнинг дуоларини олишга интилиб яшаш ўзбек халқига хос азалий қадриятдир.

Хотира ва қадрлаш... Бу тушунчалар туб инсоний муносабатларнинг илдизи ҳисобланади. Бу илдизларнинг умри узун: абадий ва боқий!




# БЕБАҲО МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТ

***Хотира халқимиз маънавиятининг энг бебаҳо қирраларидан саналади. Бу ёруғ дунёни тарк этган инсонларнинг Ватан озодлиги йўлида кўрсатган жасоратини, юрт тараққиёти ва эл осойишталигини таъминлаш борасидаги хизматларини ёдда сақлаш, эъзозлаш асл одамийлик фазилатидир. Қадрлаш – одамнинг жамиятда, маҳалла-кўй ўртасида ҳурматини ўрнига қўйиш, фуқаро нуфузини баланд кўтариш тушунчасини англатади.***

**Йўлдош СУЮНОВ,**

**Республика Маънавият тарғиботи маркази Самарқанд вилояти бўлими раҳбари**



ЭЪТИРОФ этилган шу икки тушунча халқимиз маънавий дунёсининг таянч тамойилларидан ҳисобланади. Зеро, азал-азалдан аждодларимиз турмушида ўтганлар хотирасини ёдда сақлаш, ота-боболар жасоратини ўсиб келаётган ёш авлодга сўзлаб бериш ҳам қарз, ҳам фарз ҳисобланган. Бинобарин, бу қадриятлар ёшлар қалбида Ватан туйғусини янада мустаҳкамлаган, инсонпарварлик, меҳр-шафқат, оқибат сингари одамийлик хислатларини шакллантирган ва кучайтирган.

Мамлакатимиз мустақиллиги йилларида бундай маънавий-ахлоқий қадриятлар қонунларимизда мустаҳкамланди ва янада ривожланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 66-моддасида «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар», деган қоида акс этишининг ўзи ҳам жамиятимиз аъзоларининг қадр-қиммати давлат томонидан қай даражада ҳимоя қилинишини билдиради.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 2 мартдаги «9 майни Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилиш тўғрисида»ги Фармони бу борадаги жуда катта тарихий воқеа бўлди.

Ўтган йиллар мобайнида Хотира ва қадрлаш куни Ватанимиз фидойиларининг тарихий ўтмиши ва халқимиз буюк келажагини узвий боғлаб турадиган муҳим санага айланди. Ушбу тарихий кун муносабати билан ўтганларнинг хайрли фаолияти яна бир бор ёдга олинади.

1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларида ҳалок бўлган ҳамюртларимизнинг хотираси бугун юксак эҳтиром билан эъзозланмоқда. Ҳозир вилоятимизда 2 минг 124 нафар Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчилари давлат ва жамоат ташкилотларининг иззат-икромида кексалик гаштини сурмоқда.

Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан республикамиз пойтахти Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар, шаҳар ва туманлар марказларида Хотира майдонлари барпо этилди. Самарқанд шаҳридаги Мотамсаро она ёдгорлиги ўрнатилган Хотира майдони аллақачон ёшларнинг мўътабар зиёратгоҳига айланган.

Республикамиз Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони уруш қатнашчиларини қадрлаш борасидаги эзгу ишларимизнинг яна бир ёрқин ифодасидир.

Ушбу фармонга биноан вилоятимизда яқинлашаётган байрам арафасида уруш қатнашчилари ва ногиронлар моддий рағбатлантирилади. Муҳтарам нуронийларимиз шаъну шарафига бағишлаб ҳокимликларда, идора, жамғармалар ва бошқа ташкилотларда махсус учрашувлар ҳамда маърифий бадиий кечалар ташкил этилади.

Ўтганларни хотирлаш ва мўътабар инсонлар ҳурматини бажо этиш халқимиз маънавиятининг бебаҳо қадриятидир. Ушбу қадриятни ҳамиша эъзозлаш, асраш ва ёш авлод қалбига чуқур сингдириш барчамизнинг фуқаролик бурчимиздир.



***Бугунги мураккаб, ғоявий ва ахборий кураш авж олиб бораётган даврда ёшлар тарбияси, айниқса, уларни турли зарарли таъсирлардан асраш муҳим масала ҳисобланади. Давлатимиз томонидан мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ёшлар тарбиясига катта эътибор қаратилмоқда.***

# ИБРАТЛИ ТИМСОЛЛАР

## баркамол авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этади



Ғофуржон ШОДИЕВ,
Ботир ЧИННИБЕКОВ

БУ сиёсатни амалга оширишда халқимизнинг бой маънавий мероси, анъана ва қадриятлари муҳим роль ўйнайди. Чунки, фарзанд тарбияси унинг гўдаклигида, болалигида, ўсмирлик чоғида, балоғатга етганидан кейинги даврларда — ҳар бир босқичда алоҳида масъулият талаб этади. Халқимиз азалдан ахлоқ-одоб, инсон тарбиясини асосий ўринга қўйгани баркамол авлод тарбиясида бекиёс аҳамият касб этади.

Маънавий поклик, гуноҳ ишлардан тийилиш, кўпчиликнинг раъйига қараб иш тутиш, каттага ҳурматда, кичикка иззатда бўлиш халқимиз томонидан асрлар давомида улуғлаб келинган урф-одат ва анъаналарга айланган.

Мустақиллик йилларида азалий қадриятларимизга кенг йўл очилгани, ёшларга маънавий-маърифий жиҳатдан катта эътибор қаратилаётганининг моҳияти ҳам шундадир. Шунинг учун тарбия масаласида, айниқса, ёшларни тўғри йўлга бошлаш, ижтимоий ҳимоя қилишнинг таъсирчан ва самарали воситалари ҳақида ўйлаганда кўп асрлик бой анъана ва қадриятларимиз моҳиятини тўғри тушунтира олиш ҳам катта аҳамият касб этади.

Умуман, бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли жараёнларнинг қайси соҳасини олмайлик, барчаси нафақат бевосита, балки билвосита ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласига боғлиқ эканини кўрамиз. Аввало, ёшларнинг ҳеч кимдан кам бўлмай яшаши учун зарур ижтимоий-маънавий шароитлар яратилмоқда. Уларнинг келажаги ҳақида ўйлаш ҳар биримизнинг бош вазифамизга айланмоқда.

Инсоният тарихи шундан далолат берадики, ўз аждодлари хотирасини унутмаган халқнинг келажаги ёруғдир. Шундай фазилатлар билан яшаган халқ ҳеч қачон ўз шаъни, ғурурини бошқаларга оёқ ости қилдириб қўймайди, миллий қадриятларини кўз қорачиғидай асраб яшайди. Бундай фазилатларни тарбиялашда, ҳаёт неъматларига шукр қилиб яшашга ундайдиган ва шу йўлда ҳар қандай оғир синовларга бардош беришга, уларни енгишга ўргатадиган, кенг қамровли тушунча ва туйғулар, анъана ва қадриятлар тизими алоҳида қимматга эга.

### ЭЪТИҚОДЛИ ОДАМ

Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» асарида иймон масаласида алоҳида эътибор берилгани бежиз эмас: «Вафосизда ҳаё, ҳаёсизда вафо йўқ. Ҳар кимда иймон йўқ — андин одамийлик келмак имкони йўқ», дейди улуғ шоиримиз.

Ота-боболаримиз томонидан асрлар мобайнида эъзозланиб, муқаддас эътиқод даражасига кўтарилган омонатга хиёнат қилмаслик, ор-номус, ҳаё ва ибо, андиша асрлар давомида халқимиз маънавиятининг асосини ташкил этиб келган. Топган бир бурда нонини ҳам саховатпешалик билан баҳам кўриш, бировнинг оромини бузмаслик, тинчликни яратганнинг буюк неъмати, меҳр-оқибатни одамийлик шарти деб билиш эл-юртимиз амал қилиб келган ҳаётий фалсафа моҳиятини ташкил этади.

*Ҳозирги ёшлар жуда қизиқувчан ва таъсирчан. Улар ҳамма соҳада ўзи учун ибрат бўладиган тимсолларни излаб яшайди. Бизнинг тарихимизда ҳам, бугунги кунимизда ҳам ёшларимизга ибрат бўладиган сиймолар кўп.*

Маълумки, ёшлар ижтимоий ўрни, ёши, руҳий хусусиятлари билан ажралиб турадиган ижтимоий гуруҳ ҳисобланади. Бу давр ёшларнинг ўқиши, билим олиши, маълум бир касбларни эгаллаши, жамият олдидаги бурчларини англаб етиши билан тавсифланади. Маълум бир даврда турли зарарли оқим ва ҳаракатлар, ёт ғоялар, диний мафкуралар ёшларни яхшилик ва маърифат йўлига эмас, залолат йўлига бошлашга уринган ҳолатлар ҳам бўлди. Давлатимиз раҳбари ёшларимизни ана шундай тажовузлардан ҳимоя қилиш йўлида курашнинг икки тамойилини белгилаб берди. Улардан биринчиси — бу курашда халқимизнинг азалий эътиқоди, миллий қадриятларига асосланиш бўлса, иккинчиси — умуминсоний қадриятларга таянишдир.

Халқимизнинг кўп асрлик тарихи шундан далолат берадики, ҳамиша эл-юрт ташвиши билан яшайдиган, муҳтож одамларга меҳр-шафқат кўзи билан қарайдиган, хайру эҳсон, ризқ-насиба улашиб кўпчиликка фойдаси тегадиган инсоннинг, албатта, қалби пок, иймони бутун бўлади.

Шарқнинг ўтмишдаги мислсиз равнақи илм-маърифат туфайли юз берган. Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Ал-Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Замахшарий, Соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби аждодларимиз, шубҳасиз, миллий маданият ва маърифат гуллаб-яшнаган муҳитда камол топганлар.

Ҳозирги ёшлар жуда қизиқувчан ва таъсирчан. Улар ҳамма соҳада ўзи учун ибрат бўладиган тимсолларни излаб яшайди. Тўғри, бизнинг тарихимизда ҳам, бугунги кунимизда ҳам ёшларимизга ибрат бўладиган сиймолар кўп. Аммо ахборотлар жанги авжига чиқаётган бугунги кунда бир жиддий жиҳатни ҳисобга олиш лозим. Ғарбдаги оммавий ахборот воситалари ва технологиялари шу қадар кучайиб кетганки, улар ҳар қандай иллатни ёшлар учун «ёқимли» ва «ибратли» қилиб кўрсатишга қодир. Шунингдек, маданий бегона ҳаёт тарзини кўз-кўз қилиш, ахлоқсизликни эркин муносабатлар тарзи шаклида кўрсатиш, тафаккурларни остин-устун қилиш орқали ўзларига хайрихоҳ эллаш – бу хуружларнинг маъно-моҳиятини ташкил этади. Глобал ахборот оқимларини бошқараётганларнинг асл нияти эса айнан шундан иборат.

Ҳолбуки, ўз заминимиздан етишиб чиққан Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди ва Амир Темур каби боболаримизнинг ҳаёти ва фаолияти ёшларга ибрат бўладиган даражада қизиқарли, жасорат ва матонатга йўғрилгани билан бебаҳодир. Шундай экан, улар ҳақида фильмлар, сайтлар ва бошқа тарғиб-ташвиқ, таъсир шаклларини яратиш муҳим аҳамиятга эга.

### ЭЗГУ МАҚСАДИМИЗ

ҲОЗИРГИ пайтда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт соҳасида ўзига хос йўли бўлгани каби, маданий-маънавий ривожланишда ҳам ўз йўли мавжуд. Бундай ўзига хосликни бошқа кўпгина қадриятлар қатори қонун ва ҳуқуққа бўлган муносабатда ҳам кўрамиз. Яъни, қонун устуворлиги қадрият даражасига кўтарилиши ҳамдажамиятимизнинг барча аъзолари томонидан бир хил эътироф этилишига эришиш — эзгу мақсадимиздир.

Шу маънода, ёшлар аждодларимизнинг муқаддас мероси бўлмиш миллий-маънавий қадриятлардан хабардор бўлиш билан бирга дунёвий ва ҳуқуқий билимни ҳам мукаммал ўзлаштириб бориш тақозо этилади. Нопок йўллар билан ёшларнинг қалбидан жой олишга уринаётган кучларга қарши туриш, ёт ғояларни бутунлай жамиятимиздан чиқариб ташлашга эришиш учун «Мактаб-маҳалла-оила» ҳамкорлигига жиддий эътибор қаратмоғимиз лозим.

Бу йўлда ёшларнинг ўз бўш вақтларидан унумли фойдаланишлари учун ўқув юртларида фан, спорт тўгараклари ишларини жонлантириш ва касбни эгаллашга йўналтирилган ўқув курслари ташкил қилиш, кам таъминланган оилалардаги болалар ва ўсмирларни қўллаб-қувватлаш муҳимдир.

Навқирон авлод қалбида; шунингдек, миллий-маънавий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик, ватанпарварлик туйғулари юксалишида таниқли арбоблар, зиёлилар маҳалла фаоллари билан давра суҳбатлари, учрашувларни мунтазам ўтказиш — умуман изчил, тартибга солинган таъсирчан тарбия воситаларидан фойдаланишимиз бугунги куннинг залворли талабидир.

ЖАМИЯТ
СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ
2007 йил 4 май № 18 (31)

Мамлакатимиздаги барча меҳнат фахрийларини умумхалқ байрами – Хотира ва қадрлаш куни билан самимий табриклаймиз!



«КОНТИНЕНТ КАПИТАЛ СТРОЙ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ ЖАМОАСИ

Меҳнаткаш халқимизни қутлуғ сана – Хотира ва қадрлаш куни билан чин дилдан муборакбод этамиз!



«ИНТЕР КВАДРО ЛЮКС» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ ЖАМОАСИ

# МИЛЛИЙ ВА МАДАНИЙ МЕРОСНИНГ НОЁБ ДУРДОНАСИ

*Бугун пойтахтимиздаги муҳташам ва дурдона маданий меросни ўзида жамлаган Ҳазрати Имом (Ҳастимом) меъморий ёдгорлик мажмуасига борган киши бу масканнинг гўзал қиёфа топаётганидан ҳайратга тушади. Мажмуа таркибидаги Қаффол Шоший мақбараси, Бароқхон ва Мўйи муборак мадрасалари, Тиллашайх ва Намозгоҳ масжидлари каби тарихий обидалар қайтадан чирой очиб, нафақат халқимизнинг, балки чет эллик сайёҳларнинг ҳам севимли қадамжоларига айланиб бормоқда.*

Элмурод ЭГАМҚУЛОВ,

«Жамият» мухбири



*Янги қурилаётган қўш гумбазли, икки минорали муаззам масжид нафақат пойтахтимиз зийнати, балки юртимиздаги энг йирик масжид бўлади*

*Тиллашайх масжиди бугун шундай чирой очган*



*Қаффол Шоший мақбарасининг орт кўриниши*

БУ муқаддас даргоҳ диёримизда ислом дини ва фалсафасини, инсонпарварлик ғояларини кенг ёйишда йирик илмий-маърифий марказ сифатида шуҳрат қозонган. Айниқса, унда Қуръони каримнинг энг қадимий ва мўътабар нусхаларидан бўлган Усмон Қуръонининг ва минг-минглаб ноёб қўлёзмаларнинг сақланаётгани Ҳастимом мажмуасининг жаҳон маданий цивилизациясида муносиб ўрни борлигидан далолатдир.

Мажмуа шу пайтгача пастқам, файзсиз иморатлар орасида кўримсизгина бир аҳволда қолган эди. Унга элтадиган ўйдим-чуқур кўчалар ҳам бугунги талабга жавоб бермас эди. Албатта, Ҳастимом меъморий ёдгорлигининг тарихимиз, маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда бу ерда тубдан қурилиш-таъмирлаш ишларини бошлаш зарурати пайдо бўлган эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан ўтган йилнинг ноябрь ойидан мажмуада кенг кўламли таъмирлаш, қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бошланди.

Мамлакатимиз Президентининг шу йил 20 февралдаги «Ҳазрати Имом (Ҳастимом) жамоатчилик жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорида белгиланганидек, Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошида Ҳазрати Имом (Ҳастимом) нотижорат жамоатчилик жамғармаси таъсис этилди.

— Жамғармамиз Ҳазрати Имом мажмуасида буюртмачи сифатида фаолият юритмоқда, — дейди Жамғарма раиси Чори Назаров. — Бизнинг асосий вазифамиз мажмуа ҳудудида амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш, қайта тиклаш ва ободонлаштириш ишларига кўмаклашиш учун зарур маблағларни тўплаш ва уларнинг мақсадли равишда сарфланишини таъминлашдан иборатдир.

Ҳазрати Имом жамоатчилик жамғармаси юртдошларимиз томонидан кенг қўллаб-қувватланаяпти. Деярли ҳар куни жамғарма ҳисобига ташкилот ва корхоналардан пул маблағлари тушмоқда. Бундай савоб ишлардан фуқаролар ҳам четда қолмаяпти. Ҳа, савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак, деганларидек, бугун Ҳастимом масжидини обод қилишда ҳисса қўшиш ҳар бир юртдошимизнинг дилидаги эзгу ниятга айланган.

Ўтган ҳафта Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ҳастимом мажмуасига ташриф буюриб, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишди. Қаффол Шоший мақбараси, Бароқхон ва Мўйи Муборак мадрасалари, Тиллашайх ва Намозгоҳ масжидларида таъмирлаш ишларини кўздан кечириб, улар юзасидан тегишли тавсиялар берди. Айниқса, янги барпо этилаётган муаззам масжиднинг қурилишига оид маслаҳатлари Ҳастимом мажмуасида иш унумини янада жонлантириб юборди.

Дарҳақиқат, шу кеча-кундузда Ҳазрати Имом меъморий ёдгорлиги улкан қурилиш майдонига айланган. Бош пудратчи — «Нефтгазмонтаж» масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхона ишчи-хизматчилари янги қурилаётган қўш гумбазли, икки минорали муаззам масжид биносидаги асосий ва ҳовлидаги ободонлаштириш ишларини якунига етказиш арафасида туришибди. Ушбу бетакрор иншоот нафақат пойтахтимиз зийнати, балки юртимиздаги энг йирик масжид бўлади.

— Биз ноябрь ойидан бери ишлаяпмиз, — дейди қўшма корхонанинг Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидан келган бригада бошлиғи Миржалол Мирсиддиқов. — Қурилиш-таъмирлаш ишларида 1000 нафардан ортиқ ишчилар фидокорона меҳнат қилмоқда. Мажмуа бунёдкорлари республикамизнинг деярли барча вилоятларидан келган. Хусусан, Чироқчи туманининг Лангар қишлоғидан Сайфулла Сатторов бошчилигидаги йигитлар, Хива шаҳридан Эркин Каримов етакчилигидаги ишчилар иккита минорани кўтариш ва масжид ичини пардозлаш ишлари билан машғул. Минора қарийб битиб қолди. Унинг баландлиги 50 метрдан юқори бўлади. Биз Ҳазрати Имом мажмуаси ободонлигига оз бўлса-да ҳисса қўшаётганимиздан мамнунмиз.

Шунингдек, мажмуа таркибидаги Қаффол Шоший мақбараси пештоқидаги ёзувлар ва бошқа безаклари бутунлай қайта таъмирланди. Даҳманинг олд тарафида жойлашган улуғ зотлар қабрлари атрофи яхлит меъморий кўринишга келтирилди. Бароқхон мадрасасининг иккинчи қавати, яъни Кўк гумбаз қайта бунёд этилди. Мўйи муборак мадрасасида қўшимча бинолар қурилиб, кутубхонага мослаштирилди. Тиллашайх ва Намозгоҳ каби тарихий обидаларда эса сўнгги таъмирлаш ва пардозлаш ишлари ниҳоясига етиб қолди. Бу ишларда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш бош бошқармасининг алоҳида хизматлари бор.

Мажмуаларнинг барчаси сифатли таъмирдан чиқарилган, уларнинг сиртига ўша давр муҳитини эслатиб турадиган қадимий, ноёб ғиштлар терилган. Ушбу манзара зиёратчиларда гўё XII-XV асрларга оид манзил-маконга келиб қолгандек таассурот уйғотади. Мақбара ва мадрасалар саҳни эса турли ноёб дарахтлар, арчалар, гуллар билан ўралган. Атрофда кўм-кўк ўтлоқлар ястаниб ётибди. Ҳазрати Имом мажмуасининг қарийб 9,5 гектарлик ҳудудида ўзига хос замонавий кўриниш касб этган Ўзбекистон Мусулмонлар идораси ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг янги биноси, «Истиқлол» маҳалла марказий биноси меъморий ёдгорликлар мажмуасини янада тўлдириб, унга кўрк бағишлаб турибди.

Маҳалла оқсоқолларининг таъкидлашича, қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари ниҳоясига ета борган сайин, ушбу даргоҳга зиёрат мақсадида келувчи маҳаллий аҳоли, чет эллик сайёҳлар оқими тобора кўпаймоқда. Қаффол Шоший мақбараси, Бароқхон ва Мўйи муборак мадрасалари, Тиллашайх ва Намозгоҳ каби тарихий обидаларни ҳар куни хорижда ва юртимизнинг турли вилоятларидан келаётган минглаб меҳмонлар билан гавжум бўлаётир. Ҳа, Ҳазрати Имом меъморий мажмуаси ўзининг ҳақиқий кўринишини топди.

Бинобарин, бундай амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, яъни миллий қадриятларимизни тиклаш, маданий ёдгорликларни асраб-авайлаш Истиқлолимиз берган беқиёс имкониятдир.




СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ОҚОЛТИН ТУМАНИДАГИ «БОБУР» ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ЖАМОАСИ

2007 йил 4 май № 18 (31)
ЖАМИЯТ
СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ

# ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТНИНГ КАФОЛАТИ

## *Миллий ғоя ва уни англаш эҳтиёжи ҳусусида*

***Мустақилликнинг энг муҳим кафолатларидан бири миллий ғояни англаш ва унга таяниш, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш билан боғлиқ. Бу мамлакатимизда эркин ҳаёт, демократик жамият қуришда, шубҳасиз, кучли замин ва гаров бўлиб хизмат қилади.***

**Ибодулла ЭРГАШЕВ,**
**сиёсий фанлар доктори, профессор**

МИЛЛИЙ ғояни англашга бўлган эҳтиёж доимо мавжуд бўлади. Чунки замон ва макон миллий ғояга ўз таъсирини кўрсатади. Айни пайтда миллий ғоя билан боғлиқ мақсадлар замон ва маконни янгиланишлари билан бойитиб боради. Инсон миллий ғояни англагани сари, бу ўзгаришларнинг, янгиланишларнинг доимий эҳтиёж эканини теранроқ ҳис этади.

Албатта, онг ва тафаккур, ҳаёт ўзгаришлари билан уйғун ҳолда инсон, эл-юрт, халқ, миллат, давлат ва жамият олдида турган мақсадлар доимо янгиланиб, бойиб, янги-янги усуллар, воситалар орқали такомиллашиб боришини назардан қочирмаслик лозим. Мақсадлар замонга, ҳаёт ўзгаришларига жавоб бериши керак. Инсоннинг яхши ва фаровон яшашига кўмаклашадиган эзгу фикр, ғоялар зарур.

Миллий ғоя, аввало, мустабид тузумда амал қилган ғоядан тубдан фарқ қилишини англаш жуда долзарб масала. Бунга эришмасдан миллий ғояга нисбатан ишонч ва эътиқодни мустаҳкамлаш мушкул.

Миллий ғоянинг ўзгариши у амал қиладиган «ўзгармас ҳақиқатлар» билан мужассамлашган. Бошқача айтганда, дунёда эътироф этилган қадриятлар тизими — мустақиллик, демократия, инсон эркинлиги ва манфаатлари устунлиги, қонун устуворлиги, инсон шаъни ва қадр-қимматининг энг олий қадриятлари сифатида қарор топиб бориши билан унинг ҳаётбахшлигини кўриш мумкин.

Миллий ғояда шахс манфаатлари миллий манфаатлар билан уйғундир. Шунинг учун ҳам миллий ғояни англашга эҳтиёж, инсонни эркин ҳаёт, фаровон турмушга интилиши, у яшаётган мамлакатнинг обод ва озодлиги нуқтаи-назаридан жиддий аҳамият касб этади. Бу эҳтиёж табиийки, доимо мавжуд ва у янгиланиб, бойиб боради.

Миллий ғоя билан боғлиқ омиллар халқни — халқ, миллатни — миллат сифатида яшашга, ҳамжиҳат ва ҳамкор бўлишга хизмат қиладиган, шунга ундайдиган мақсадлар билан мужассам. Бу — Ватан туйғуси, миллий қадриятларни ҳурмат қилиш ва унга таяниш, миллий ва диний бағрикенглик, миллий тотувлик, тинчлик, фаровон ҳаётга эришиш, инсон қадр-қимматини энг олий қадрият сифатида улуғлашдир.

### ИШОНЧ ВА ЭЪТИҚОД

БУ қадриятлар миллий тараққиётнинг кафолати ҳисобланади. Бошқача айтганда, миллий ғояга ишонч ва эътиқод қанча мустаҳкам бўлса, ўзимизга хослигимизни йўқотмаймиз. Демак, ўзимизга хос ва мос тараққиёт йўлидан борамиз.

Миллий ғояга ишонч ва эътиқод она тили, тарихимиз, миллий урф-одат ва анъаналаримиз, маданиятимизнинг негизларини билиш, уни ҳурмат қилиш, асраб-авайлашни англатади. Уни янада бойитиб боришни, маданияти ютуқларини қабул қилишни билдиради. Шундагина у миллий маданият энг илғор ва юксак маданият даражасига кўтарилади.

### МАҚСАД САРИ

КИМДИР миллий ғояни, англаб етсаю, унга эришиш йўлларини билмаса, ёки унга эришиш йўлларини билса-да, ўзи иштирок этмаса, бу кутилган натижани бермаслиги табиий. Шунинг учун ҳам, ҳар бир фуқаро миллий ғояни ҳаётга татбиқ қилиш жараёнининг фаол иштирокчисига айланмоғи керак. Бу эса инсонни эзгуликка ундайди. Бунёдкор халқнинг онгида, ишонч ва эътиқодида ушбу истилоҳнинг ижтимоийлашишига олиб келади. Халқнинг кучига-куч қўшади. Уларни бир тан, бир жон бўлиб муштарак мақсадлар учун фаолият олиб боришга ундайди. Турли хавф-хатарларнинг, бузғунчи, ёвуз ғояларнинг олдини олади.

***Миллий ғоя билан боғлиқ омиллар халқни — халқ, миллатни — миллат сифатида яшашга, ҳамжиҳат ва ҳамкор бўлишга хизмат қиладиган, шунга ундайдиган мақсадлар билан мужассам. Бу — Ватан туйғуси, миллий қадриятларни ҳурмат қилиш ва унга таяниш, миллий ва диний бағрикенглик, миллий тотувлик, тинчлик, фаровон ҳаётга эришиш, инсон қадр-қимматини энг олий қадрият сифатида улуғлашдир.***

Ҳаётда ҳамма нарса бир-бири билан боғлиқ. Янги фикр ва ғоялар турли хил кўринишларда, турли хил йўллар, воситалар орқали инсон ҳаётига, унинг ҳаётий идеалларигача таъсирини кўрсатмоқда. Инсоннинг миллий ғояга содиқлиги, унинг негизларини ҳурмат қилиб яшаши, унинг ўз мамлакати, халқи ва Ватани олдидаги бурчи ҳамдир. Тарғибот, маънавий-маърифий ишларда унга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Замон ўзгаришлари, жаҳон ахборот тизимидаги янгиланишлар, ахборот технологиялари, миллий ғоя негизларига бўлган ишонч ва эътиқодга дарз етказмаслиги керак. Шундай экан, ҳар биримизда, хусусан, ёшларимизда миллий ғояга бўлган ишонч ва эътиқод мустаҳкам бўлиши ҳаёт тақозосидир.



***Халқона, қалбга яқин оҳангларга уйғун қўшиқлари билан турфа байрамлару, сайилларга, тўю томошаларга файз киритиб келаётган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, истеъдодли хонанда Маҳмуд Номозов 1991 йилда илк бор Ботир Зокиров хотирасига бағишлаб ўтказилган замонавий эстрада қўшиқлари танловида иккинчи ўринни забт этган эди. Бу илк зафар унга санъатда ўз йўлини, ўз ўрнини топиш учун дастлабки пиллапоя бўлди, янги изланишларга ундади.***



## Маҳмуд НОМОЗОВ:

# ЖАМИЯТ – БАРЧАМИЗНИНГ ТАРБИЯЧИМИЗ

***— Маҳмуд ака, «Сурхон» гуруҳининг либослари ҳам, куй ва қўшиқлари ҳам номига монанд. Бошқа гуруҳларга нисбатан ўзига хослиги билан ажралиб туради. Қўшиқларингизнинг мухлислар қалбидан бунчалар тез ўрин олишига нималар асосий омил бўлмоқда?***

— Мухлислар қалбини забт этган яхши, албатта. Бироқ, чинакам санъаткор учун шунинг ўзигина кифоя эмас. Шуни унутмаслик керакки, мана шу эл, жамият барчамизнинг ҳам тарбиячимиз, ҳам таянчимиздир. Бизни денгиз тўлқинлари янглиғ нозиктаъб мухлислар оқими олқишлаяпти, дея ҳаволаниб кетмасдан инсонни маънавий юксакликка кўтара оладиган, теран мазмунли қўшиқлар яратиш жуда ҳам муҳим.

Гуруҳимиз шундай юксак довонларни забт этди, демоқчи эмасман. Негаки, қай бир ижодкор ўзи яратган маънавий неъматларни бекаму кўст, мукаммал деб ҳисобласа, унинг ижодий парвози ниҳоясига етган бўлади. Биз эса айни изланишлар палласидамиз. Сиз юқорида куй ва қўшиқларимиз элимиз томонидан илиқ кутиб олинаётганини айтдингиз. Эътирофингиз учун ташаккур. Бизни севиб, олқишлаб тинглаётганларга, бизга мухлис бўлганларга минг раҳмат. Шуни айтмоқчиманки, биз ўзимизга қанот бўлган, тарбиялаган, ғурур бағишлаган она халқимиздан ҳамиша қарздормиз.

***— Сизнинг-ча, замонавий ўзбек эстрадасининг кечаги куни ва бугуни тарози палласига қўйилса, қай бирининг «тоши» оғир келади?***

— Ҳазрат Навоий бобомизнинг «аввалгиларга ўхшамас» деган ўтли сатрлари бежиз ёзилмаган. Албатта, бугунги замонавий ўзбек эстрадаси ўзига хос ютуқларни қўлга киритмоқда. Унутмаслигимиз лозимки, бундай ютуқларнинг илдизи бобомерос санъат дурдоналаридан озиқланади. Яхши эътибор қилсангиз яллалар, термалар, лапарлар борингки, қадим халқ оҳанглари билан куйланган неча минг йиллик қўшиқларимизнинг матнлари содда, жўн сўзлардан тузилганга ўхшайди. Ташбеҳли сўзлар, образли сатрларни қўя туринг, ҳатто баъзи бир қадим қўшиқларимиз танқидчилар ибораси билан айтганда, қофия, вазн, туроқ деган шеъриятнинг муҳим шартларига баъзан унчалик ҳам мос келмаслиги мумкин. Бироқ, уларда ўша зарур унсурлар ўрнини босадиган улуғ бир неъмат бор. Ўша неъматнинг қўри бобомомоларимизнинг буюк орзу-армонларидан олинган. Репертуаримиздан ўрин олган «Гулпари», «Аламо», «Оҳу-во», «Чечажон» каби ўнлаб қўшиқларимизни халқ сайилларида ёшу-қари жўр бўлиб, рақсга тушиб, бир сўз билан айтганда олқишлаётганининг асосий сабаби ҳам шу, менимча.

***— Демак, «Сурхон» гуруҳига довруқ келтираётган манба бу кўпроқ она халқимиз оҳанглари экан-да...***

— Ҳа, лекин, шуларнинг ўзи билан кифояланиб қололмаймиз. Нафақат қадимий қўшиқларимизни янгича услубда қайта жонлантириш, балки замондош шоирларимизнинг асарларини мутолаа қилиш, улар орасидан мухлислар қалб торини черта оладиган шеърларни топа билиш ҳам санъаткор муваффақиятининг асоси ҳисобланади. Масалан, Сирожиддин Сайийднинг олис қишлоқ хотиралари, орзу ва армонларига омухта бўлган айрим шеърлари бир-икки ўқишдаёқ ёдимда қолади. Унинг «Мезон кетди, ақраб кетди, қавс кетди, Момом кетди, ҳовлисидан файз кетди» деб бошланувчи ашъори, Муҳаммад Юсуфнинг «Оқ тулпорим» шеърини аввал қалб саҳифасига кўчириб, сўнгра қўшиқ ҳолига келтирдик. Ҳар ҳолда мухлислар томонидан яхши баҳоланди. Мухтасар қилиб айтганда, яхши шеър танлай билиш ва унга дилтортар даражада мусиқа басталай олиш — ана шу икки омил санъаткорнинг қўш қанотидир.






***Бизнинг изоҳ:*** *Ҳақиқатан ҳам, ана шу мезонга амал қилиб келаётган Маҳмуд Номозов ва «Сурхон» гуруҳи тинимсиз изланишлар самараси бўлган ютуқларини мустаҳкамлаб, замонавий эстрадамизда ўзига хос мактаб яратди. 2005 йилда гуруҳ «Тарона-2005» танловида «Йилнинг миллий эстрада мусиқаси йўналишидаги энг яхши гуруҳи» номинацияси бўйича ғолиб бўлди.*

*Гуруҳ хонанда ва созандалари «Оҳу-во», «Соғинч», «Она юрт оҳанглари», «Эй пари», «Ёшлик билан учрашиб», «Саратонда соябонинг бўлайин» каби халқимиз қалбидан ўрин олган ўнлаб қўшиқларини аудио, аудио CD ва видеоальбомлари тарзида мухлисларига ҳавола этдилар.*

*«Сурхон» ўтган йиллар давомида Швейцария (2003 й.), Германия (2004 й.), Россия (2005 й.), Туркия (2007 й.), Ҳиндистон (2007 й.) каби дунёнинг қатор мамлакатларида ижодий сафарда бўлиб, кўплаб хорижлик қўшиқсеварларни замонавий ўзбек эстрадасининг чинакам мухлисларига айлантиришга салмоқли улуш қўшди.*

*«Сурхон» гуруҳи томонидан бирин-кетин забт этилаётган ижод довонларини санар эканмиз, Маҳмуд Номозовга «ана шу ютуқларга яна қайси неъматлар замин бўлди?» деб савол бердик. Бу саволга жавобан суҳбатдошимиз шундай дейди:*

— Энг ширин, сархил мева ҳам она тупроқдан қувват олиб етилгани каби, бизнинг ижодимиз камолга етишига она юртимиз Истиқлоли замин яратди. Янгиланган жамият барча соҳалар каби санъатда ҳам бир хиллик қолипини синдириб, соғлом рақобат муҳитини юзага келтирди. Акс ҳолда, она юрт оҳангларини бу қадар севиб тараннум эта олмаган бўлардик. Бахшиёна услубда ижро этган қўшиқларимиз бугунгидек қадр топмаган бўлур эди. Суҳбатимиз якунида жамиятимизнинг чинакам кўзгуси бўлишга интилаётган «Жамият» газетаси ва унинг мухлисларига бахт, омад, санъатга ошнолик тилаб қоламан.

**Бахтиёр ОЛЛОМУРОД**
**суҳбатлашди.**

# НОДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАР «РАҲНАМОСИ»НИНГ ИСТЕЪФОСИ

***Америка ҳукуматининг юқори лавозимдаги амалдори билан боғлиқ янги жанжал тобора авж олаётир. Бу можаро марказида АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (ЮСАИД) директори Рэндалл Тобиас турибди, деб ёзади «PRESS- uz.info» ахборот агентлиги.***

ЭГАЛЛАГАН лавозимига кўра, Америка Қўшма Штатлари давлат котибининг биринчи ўринбосари даражасига тенглашувчи бу юқори мартабали амалдор енгил табиатли қизлар хизматидан фойдаланганлиги ошкор бўлиб қолди.

NBC телекомпаниясига берган интервьюсида Рэндалл Тобиас Вашингтондаги «Памэла Мартин энд ассошиэтс» компанияси мижози бўлгани ва унинг хизматидан фойдаланганини инкор этмаган.

Айни пайтда ушбу компания раҳбари устидан тергов ишлари олиб борилмоқда. Маъмурлар унга расмий айблов эълон қилишга тайёргарлик кўраяпти. Компания ташкилотчиси Дебера Жин Полфри, агар унга қўйилган айбловлар олиб ташланмаса, компания мижозларининг обрўсини тўкадиган материалларни ошкор этиш ҳақида пўписа қилди.

«Колумбия округи онахони» номи билан машҳур бўлган бу хоним мижозларининг кўпчилиги айни пайтда Вашингтонда юқори лавозимларни эгаллаб турганини таъкидлаган.

Хуллас, жанжалнинг бу тарзда газак олиши Рэндалл Тобиаснинг ЮСАИД раҳбари ва хорижий ёрдам дастури директори лавозимидан истеъфо беришига олиб келди.

АҚШ давлат департаменти матбуот хизмати тарқатган расмий баёнотда Рэндалл Тобиас лавозимдан ўз аризасига кўра кетганлиги айтилмоқда. У мазкур лавозимга 2006 йилнинг январида тайинланган эди.

*Маълумот учун:* ЮСАИД агентлиги Америкадан ташқарида иш юритувчи нодавлат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи ва асосий молиявий донор ҳисобланади. МДҲ мамлакатларидаги АҚШнинг барча элчихоналари ҳузурида агентликнинг ваколатхоналари мавжуд.

***Солиқ тўлашдан бўйин товлагани учун Россия Қизил хоч жамияти раҳбариятига нисбатан жиноят иши қўзғатилди, деб хабар тарқатди Интерфакс агентлиги. Тергов маълумотларига кўра, жамиятнинг солиқдан қарзлари қарийб 20 миллион рублни ташкил этади.***

# СОЛИҚДАН ҚАРЗ – 20 МИЛЛИОН РУБЛЬ



ЎТКАЗИЛГАН текширув натижаларига биноан солиқ қонунчилиги бузилгани тўғрисида хулоса чиқарилган ва Москва шаҳар Юго-запад округи ички ишлар бошқармаси ўта кўп миқдорда солиқ тўловларидан бўйин товлаш юзасидан жиноят ишини қўзғаган.

Ҳуқуқ-тартибот органлари маълумотларига кўра, Россия Қизил хоч жамоат ташкилоти раҳбарлари 2004 йил 1 январдан 2005 йил 31 декабргача бўлган даврда даромаддан олинадиган солиқ базасини камайтириб кўрсатишган ва шу тариқа жами 19,7 миллион рубль (яъни қарийб бир миллиард сўм) солиқ тўланмай қолган.

# БЕФАРҚЛИК ОҚИБАТИ

***Маълумки, бундан икки ойча муқаддам Тожикистонда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонун қабул қилинган эди. Мамлакат парламентининг қуйи палатаси депутатлари яқинда ушбу қонунга айрим тузатишлар киритишга мажбур бўлди, деб хабар тарқатди «Press-uz.ihfo» ахборот агентлиги.***

ДЕПУТАТЛАРНИНГ айтишича, мазкур қонун лойиҳаси муҳокамасида нодавлат нотижорат ташкилотлари фаол қатнашмаган. Чунки улар қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёни билан мутлақо қизиқмаган. «Жамият ва ҳуқуқ» номли нодавлат ташкилотидан тушган биттагина таклифни ҳисобга олмаганда, мамлакатдаги 3 мингдан зиёд нодавлат ташкилотларидан ҳеч бири, гўё янги қонуннинг улар фаолиятига дахли йўқдай, бу борада ўзларининг таклиф ва мулоҳазаларини билдирмаган. Жамиятдаги бундай бефарқлик оқибатида янги қонун қайта-қайта тузатишларга рўбарў бўлаяпти.

# КОМИССИЯ ТУЗИЛДИ

***МАЪЛУМКИ, Россия раҳбарининг Федерация Советига йўллаган мурожаатномасида Россиянинг ички ишларига тўғридан-тўғри аралашиш учун четдан йўналтирилган пул оқими кўпайиб бораётгани ва у бевосита миллатлараро ҳамда конфессиялараро низоларни кучайтириш мақсадида энг «ифлос» технологиялар учун сарфланаётгани таъкидланган эди.***



Экстремистик ҳаракатлар учун жавобгарликни кучайтириш бўйича қўйилган мазкур талабларни бажариш мақсадида Федерация Советида махсус комиссия тузишга қарор қилди. Унинг таркибига сенаторлар, бир қатор минтақаларнинг қонунчилик мажлислари раислари киритилади, деб ёзади Novoteka.ru.

# ОЛИСДАН ТАШЛАНГАН «НАЗАР»

***АҚШ президенти маъмурияти «матбуот эркинлиги учун шароит ёмонлашиб бораётган давлатлар» рўйхатини эълон қилди, деб хабар беради «РИА Новости».***

АҚШ давлат департаментининг Вашингтонда тарқатган расмий маълумотида оммавий ахборот воситалари эркинлиги борасида шароит ёмонлашиб бораётган мамлакатлар сифатида Россия, Афғонистон, Венесуэлла, Покистон, Филиппин, Ливан каби бир қатор давлатлар санаб ўтилган.

Шу ўринда бир мулоҳаза туғилади: Ироқдаги воқеаларга холис баҳо бермаётган, Гуантанамо тутқунлари тақдирини жаҳон жамоатчилиги назаридан сир тутаётган мамлакатнинг ўзидаги оммавий ахборот воситалари эркинлигини қайси мезон билан ўлчаш мумкин? Халқимизда ибратомуз нақл бор: аввал ўзингга боқ, кейин ноғора қоқ! Юқоридаги ҳолат мана шу нақлни эслатмайдими?

*Саҳифани интернет материаллари асосида Норбобо ШАКАРОВ тайёрлади.*

*Спорт*

# УМИДЛИ ЁШЛАРГА – ГРАНТЛАР

***Республикамизда ёш спортчиларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг истеъдодларини юзага чиқариш учун зарур шарт-шароит яратиш, ғолиб ва совриндорларни рағбатлантириш борасида амалга оширилаётган тадбирлар ўз самарасини бермоқда.***

**Элмурод ЭГАМҚУЛОВ,**
**«Жамият» мухбири**

БОКС бўйича ўта оғир вазнда жаҳон чемпиони Руслан Чагаев ва «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамкорлигида «Ўзбекистоннинг умидли ёш спортчиларини қўллаб-қувватлаш» махсус пул жамғармаси ташкил этилиши эса бу борада қўйилган яна бир янги қадамдир. Жамғарма яқинда ўзининг биринчи грант ғолибларини аниқлади.

Бокс бўйича умидли спортчилар Азамат Абдуҳакимов ва Зоҳид Султонов, ёш полвонлар Элдор Ҳафизов ва Феруз Нусратов, бадиий гимнастика бўйича республика ғолиби Камилла Тўхтаева, Москвада ўтказилган «Baby Sup-2007» халқаро мусобақаларининг жуфтлик баҳсида биринчи ўринни эгаллаган Евгения Ларионова ва Иман Азизова, Ўзбекистон чемпионатининг кумуш медаль соҳиби Вероника Есипова, ушу бўйича Куала-Лумпурда ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида кучли саккизликка кирган Руслан Эргашев ва Ерлан Маирбековлар дастлабки 10 та грант соҳиблари бўлишди. Ёш спортчиларга грант сертификатларини жаҳон чемпиони Руслан Чагаев топширди.

Спортда эришилаётган юксак натижалар халқаро майдонда юртимиз обрўсини оширмоқда. Мамлакатимиз спорти ривожини қўллаб-қувватлаш «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг ҳам асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Шу боис супер оғир вазнда жаҳон чемпионлигини қўлга киритган Руслан Чагаевга Жамғарманинг махсус гранти топширилди.




***Мана, баҳорнинг сўнгги ойи ҳам шитоб билан ўтаяпти. Бозор расталарида қулупнай, гилос сингари эртапишар мева-чевалар пайдо бўлди. Ҳадемай, уларнинг ёнига бошқа неъматлар ҳам қўшилади. Шу жиҳатдан бетакрор она юртимизни очилдастурхонга қиёслаш мумкин.***

***Республика Гидрометеорология маркази маълумотига кўра, бугун-эрта мамлакатимизда ҳаво булутланиб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Фақат 4-5 май кунлари Қорақалпоғистон республикаси ва Хоразм вилоятининг айрим жойларида қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин. 6-7 май кунлари бутун мамлакат бўйлаб қисқа муддатли ёмғирлар ёғиб ўтади, момақалдироқ бўлади.***

***Шарқдан эсаётган шамол йўналишини ўзгартириб ғарб томондан секундига 7-12 метр тезликда эсади. Момақалдироқ пайтида шамолнинг тезлиги кучайиб, секундига 15-20 метрга етади. Ҳарорат кечаси 12-17, 7 майда 8-13, 4-5 майда кундузи 25-30, 6-7 майда 18-23 даража иссиқ бўлади.***

***Шимолда кечаси 10-15, кундуз кунлари 15-20 даража иссиқ бўлиши кутилмоқда.***

***Республиканинг тоғли туманларида 6-7 май кунлари айрим жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғади, момақалдироқ бўлади. Ҳарорат кечаси 7-12, 7 майда 2-7, кундузи 5 майда 17-22, 6-7 майда 9-14 даража иссиқ бўлиши мумкин.***

# ЧИНОРЛАР ЮРТИ



***Қадим Ургут ўзининг минг йиллик азим чинорларию зилол булоқлари билан ҳам маълум ва машҳурдир.***

***Неча асрдирки, бу ерда салобат тўкиб турган азим чинорлар пойидан отилиб чиқаётган мусаффо чашма сувларидан шаҳар аҳли баҳраманд бўлиб келади.***

***Бу ҳам табиат билан инсон ҳаётининг мангу уйғунлигига ўзига хос далолатдир.***

**Тоҳир НОРҚУЛОВ олган сурат.**

# АТИРГУЛ – МУҲАББАТ РАМЗИ

***Ҳовлиларимизга зеб берадиган турфа гуллар орасида атиргулнинг ўрни бўлакча. Одатда, биз яқинларимизга туғилган куни ёки бирор байрам муносабати билан қандай совға олмайлик, уни албатта, гулдаста билан бирга тақдим этамиз. Айниқса, оналаримиз ва опасингилларимиз учун гулдан-да аъло туҳфа йўқ. Атиргул азалдан муҳаббат рамзи ҳисобланган.***

**Шокиржон ИСОҚОВ**

Қадимда Шарқ табобатида ундан турли хил хасталикларни даволашда ҳам кенг фойдаланиб келинган. Атиргулнинг шифобахш хислатлари ниҳоятда кўп. Бу ғаройиб ўсимликнинг гулбарги ва ундан тайёрланган сув (атиргул суви) мураккаб дармондорилар сирасига киради. Юртимизда атиргулнинг кўплаб турлари ўстирилади. Масалан, «Оқ атиргул», «Пушти атиргул», «Мерседес» ва ҳоказолар... Атиргул асосан май ойида гуллай бошлайди. Унинг гулбарги таркибида эфир мойлари, каротиноидлар ва инсон организмига фойдали бошқа кўплаб моддалар бўлиб, ундан гулшароб ҳам тайёрланади. Бу шаробда маълум даражада алкоголь бор ва у иштаҳани очиб, кайфиятни кўтаради, танадаги қон айланишини яхшилайди. Гулбарги шакар билан қайнатилиб, «Гулқанд» тайёрланади. Гулқанд иссиқлик хусусиятига эга бўлиб, халқ табобатида совуқ оштанда, айниқса, болалар шамоллаб йўталганда, организм ҳолсизланганда истеъмол қилиш тавсия этилади. Атиргулни телевизор ёки радиоприёмник олдига қўймаслигингизни маслаҳат берган бўлардик. Чунки, у сезиларсезилмас овоз тўлқинларига ҳам таъсирчан ҳисобланиб, тезда сўлиб қолиши мумкин.



*Биласизми?*

Қадрлаган кишингизга қандай гул ёқишини билмасангиз, ҳеч иккиланмай атиргулни танлайверинг. Агар, гул рангини танлашда қийналаётган бўлсангиз, яхшиси пушти рангли атиргулни танлаганингиз маъқул. Бу ранг — ҳаммабоп.

Гулларнинг биологик жиҳатдан бир-бирига мувофиқлигини ҳисобга олинг. Масалан, атиргулнинг хушбўйи чиннигулнинг сўлишига сабаб бўлади. Агар гулдондаги атиргул сўлий бошласа, аввал гулпоясини қирқиб, сўнг уни илиқ сувли ванна ёки тоғорага 20 дақиқа солиб қўйинг. Сўнгра гулдонга чиройли қилиб териб чиқинг. Гулдондаги атиргул узоқроқ сўлимай турсин десангиз, ундаги сувга аспирин (3 литр сувга ярим таблетка) дорисини ташлаб қўйинг. Атиргул 10 фоизли шакар эритмаси солинган сувда айниқса яхши сақланади.

БОШ МУҲАРРИР
Сирожиддин РАУПОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Маъруфжон УСМОНОВ
Қиём НАЗАРОВ
Жамолиддин ҲАКИМОВ
Рифат САРБАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Норбобо ШАКАРОВ
Беҳзод ХОТАМОВ
Нурали ШОДИЕВ

МУАССИСЛАР
Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси
Ўзбекистон Республикаси Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси
Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамоат фонди
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси
Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
"Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society" журнали

НАВБАТЧИ МУҲАРРИР
Абдували ҚУТБИДДИНОВ

ДИЗАЙНЕР
Ҳабибжон БОЛТАЕВ

НАВБАТЧИ
Бахтиёр ОЛЛОМУРОДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41.
Буюртма рақами Г-436
Адади: 8018
Газета "Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society" журналининг ҳафталик иловаси.
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 45-уй.
Маълумот учун телефонлар:
132-60-98, 132-60-74.
Электрон почта:
jamiat@mail.ru
«Жамият» дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
① — тижорат белгиси
Топшириш вақти: 20.00
Топширилган вақти:00.30

2007 йил 4 май № 18 (31)
ЖАМИЯТ
СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ


# Режа «БИРИНЧИ»

## УЙ ҲУДУДИ - БУТУН ЎЗБЕКИСТОН!

**Барча мобил рақамлардан кирувчи алоқа* - $0**
**Барча мобил рақамларга чиқувчи алоқа** - $0,02**



Уланишда минимал олдиндан тўлов – **5 000** сўм.

* Ўзбекистон бўйича Ўзбекистон ҳудудидаги барча уяли алоқа операторлари абонентларидан бўлган қўнғироқларда ва операторга тегишли префикс тўғри берилганда.
** Бир дақиқа учун, рақамлар операторларнинг қуйидаги префикслари билан терилганда: 998 **90**, 998 **93**, 998 **95**, 998 **98**.
*** Ўзбекистон бўйича бошқа кирувчи ва чиқувчи қўнғироқлар бир дақиқа учун - $0,04

**МТС абонентлари учун:**

- Халқаро роуминг хизмати Ҳиндистонда (IDEA Cellular Delhi) ишга туширилди.

## МТС-ЎЗБЕКИСТОН – СИНОВДАН ЎТГАН СИФАТ!

Батафсил маълумотни **WWW.MTS.UZ** сайтида кўриш мумкин

Хизматлар лицензияланган

Ўзбекистон Республикасида хизматлар «Уздунробита» компанияси томонидан тақдим этилади

Тўловлар сўмда ЎзР МБнинг тўлов кунидаги курси бўйича амалга оширилади. Нархларга барча солиқлар киритилган.

МТС